



Сизлар Аллоҳга ҳақиқий таваккал қилсаларингиз эрталаб оч чиқиб кечқурун тўқ қайтган қушлар каби сизларни ҳам ризқлантиради»,— деб айтганларини эшитдим

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анху ривоят қиладилар: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни: «Сизлар Аллоҳга ҳақиқий таваккал қилсаларингиз эрталаб оч чиқиб кечқурун тўқ қайтган қушлар каби сизларни ҳам ризқлантиради»,— деб айтганларини эшитдим.

[Саҳиҳ] [Термизий, Ибн Можа ва Аҳмад ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда Аллоҳ таолога диний ва дунёвий ишларда манфаатларни жалб қилишда ҳамда зарарларни даф қилишда Аллоҳга суянишга ундамоқдалар. Чунки берувчи ҳам, олувчи ҳам, манфаат ва зарар берувчи ҳам фақатгина Аллоҳдир. Манфаатларни олиб келадиган ва зарарларни кетқазадиган сабабларни Аллоҳга суянган ҳолда қилишимиз лозим. Қачон шундай қилсак, Аллоҳ бизга эрталаб оч кетиб кечқурун қорни тўқ бўлиб қайтадиган қуш каби ризқлантиради. Қушнинг дангасаликсиз ва бепарволиксиз (уйидан чиқиб изланиши) ризқ талабида қилинган сабабларнинг бир туридир.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/4721>

